Куч — адолатда

2013 йил
6 декабр,
жума
№ 49 (458)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган Конституциямизда белгиланган ҳуқуқий меъёрларнинг ҳаётимизда ўз ифодасини топаётгани мамлакатимиз тараққиётида муҳим омил бўлаётир. Фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларига хизмат қилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳуқуқий замини ҳам, аввало, Конституциямиз ҳисобланади.

ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Зеро, мамлакатимиз Конституциясининг умумий мазмунидан тортиб, кичик бир бандига қадар миллий тафаккур, муқаддас қадриятлар, меҳр-оқибат, одамийлик, барча миллат ва элатларга нисбатан ҳурмат, илму фанга интилиш каби эзгу фазилатларга йўғрилган.

Мана, йигирма бир йил мобайнида жамиятимизда, ҳар қайси оила ва ватандошларимиз ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар содир бўлаётган бўлса, буларнинг барчаси Конституциямизда белгилаб қўйилган кафолатлар туфайлидир. Зеро, Конституциямизнинг асосий моҳияти ҳам инсонга муносиб ҳаёт шароитлари яратиш, уни бахтли қилишдан иборатдир.

Конституциямизнинг асосий моҳиятларидан яна бири — жамият ва унинг аъзолари олдига мақсад қўйиши ва ана шу эзгу мақсадга эришишнинг йўлларини ўзида мужассам этишида ифодаланади. Асосий қомусимиз ўзида инсон — оила — жамият — давлат манфаатларини уйғунлаштиргани сабабли мазкур ҳужжат ҳаётимизнинг барча соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарали, муваффақиятли бўлишини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатламоқда. Жаҳонда бўлиб ўтаётган воқеалар ҳам шуни яққол тасдиқламоқдаки, агар инсон ва давлат манфаатлари ўзаро уйғунлиги бузилса, тараққиётда олға силжиш содир бўлмайди. Мамлакатимизда бу масала давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати туфайли ўз ечимини топган.

Шунингдек, Конституциямизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устувор эканлиги ўз ифодасини топган. Биргина Бош қомусимизнинг 13-моддасини оладиган бўлсак, унда Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши қайд этилган.

Шу ўринда мазкур фикрнинг яққол исботи сифатида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Асосий қомусимиз 128 моддадан иборат бўлгани ҳолда унинг 30 дан ортиқ моддаси бевосита инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бағишланган.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигининг ҳуқуқий асоси

Мустақил Ўзбекистон ўзининг 22 йиллик тараққиёти давомида иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда улкан муваффақиятларга эришди ва бу жаҳон ҳамжамиятининг юксак эътирофига сазовор бўлмоқда. Хорижий давлат ва жамоат намояндалари, олимлар, экспертлар мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини қайд этар экан, бу жараёнда тараққиётимиз ҳамда фаровонлигимизнинг ҳуқуқий асоси бўлган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлашмоқда.

ЎзА мухбири айрим хорижлик меҳмонларнинг бу борадаги фикрлари билан қизиқди.

Матвей ПИКЕЛЬНЕР, *"Интеракция" институти директори (Исроил)*: — Ёш авлодга бепул умумий таълим олишни таъминлаётган, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш кафолатланган, болаликнинг бахтли кечиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиб бераётган давлатнинг келажаги, ҳеч шубҳасиз, буюкдир. Болалар, айниқса, етим ва ота-она меҳридан бебаҳра қолган болаларга ғамхўрлик, уларнинг замонавий таълим-тарбия олиши кафолатланиши Ўзбекистон Конституцияси ва бошқа қонунларда мустаҳкамлаб қўйилгани ҳар қанча таҳсин ва эътирофга сазовордир.

Айтакин ҲУСАЙНЛИ, *Озарбайжон ижтимоий ходимлар жамоат бирлашмаси ижрочи директори (Озарбайжон)*: — Мустаҳкам ва тинч-тотув оила — жамиятнинг энг катта бойлиги, мамлакат тинчлиги ва фаровонлигининг асосидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оила, шунингдек, оналик ва болалик давлат томонидан ҳимояланиши кафолатланган. Бу эса, Ўзбекистонда давлат сиёсати инсонпарварлик тамойилларига йўналтирилганидан далолат беради.

Майкл Куа ЧЕН-ГУАНЬ, *Халқаро метанол ишлаб чиқарувчилар ассоциациясининг бош ижрочи директори (Сингапур)*: — Ўзбекистон азалдан илм-фан ва маданият марказларидан бири бўлиб келган. Самарқанд, Бухоро, Тошкент каби дунёга машҳур шаҳарларда бўлиб, ўзбек халқи кўп асрлик илмий ва маданий анъаналарга эга эканига гувоҳ бўлдим. Ўзбекистон Конституциясида давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилиши мустаҳкамлаб қўйилгани мамлакат илм-фани ва маданиятининг улкан салоҳиятини нафақат бугун амалга ошириш, балки келажакда ҳам ривожлантиришни таъминлайди.

Кевин ДАНВУДИ, *полиция катта нозири (Шимолий Ирландия)*: — Инсон ҳуқуқлари устуворлигига асосланган миллий қонунчиликни шакллантириш ҳуқуқий демократик давлатнинг мажбурий шартларидан биридир. Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси билан танишиб, мамлакатингиз Асосий қонунида инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлангани, уларга сўзсиз риоя этилиши ҳамда фуқаролар давлат томонидан ҳимоя қилиниши мустаҳкамлаб қўйилганига амин бўлдим. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимини самарали ислоҳ этиш ва эркинлаштириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бобур ОБИДОВ,
ЎзА мухбири

Ахборот эркинлигининг конституциявий кафолатлари

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда ахборот соҳасида тизимли ва самарали ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилиб, энг аввало, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига тўлиқ мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси шакллантирилди. Бу борадаги ҳуқуқий кафолатлар, энг аввало, Конституциямизда қатъий белгилаб қўйилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хусусан, Асосий қонунимизнинг 29-моддасида ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга эканлиги ўзининг теран ифодасини топган. Шунингдек, Конституциямизнинг 30-моддасида барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлиги қайд этилган. Бинобарин, Конституциямизнинг **"Оммавий ахборот воситалари"** деб номланган XV бобининг 67-моддасида оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият юритиши ва қонунга мувофиқ ишлаши, улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгар бўлиши, цензурага йўл қўйилмаслиги ҳақидаги энг демократик меъёрлар ўзининг теран ифодасини топган.

Дарҳақиқат, ушбу модда билан мамлакатимиз тарихида илк маротаба оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги принципи конституциявий қоида тариқасида мустаҳкамлаб қўйилди. Шунинг баробарида Асосий қонунимиз соҳага оид ҳуқуқий механизмларнинг асоси бўлган бир қатор қонунлар қабул қилинишида мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтади ва ўтаб келмоқда.

Бинобарин, истиқлол йилларида оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, медиа-маконга илғор ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этишга қаратилган ўнга яқин қонун ва кўплаб қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

"Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги, "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги, "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги, "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги, "Реклама тўғрисида"ги, шунингдек, оммавий ахборот воситалари фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги, "Давлат тили тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор қонунлар шулар жумласидандир.

(Давоми учинчи бетда)

Faoliyat

Суд буйруғи асосида иш юритиш

фуқаролик ишларини тез ва самарали ҳал этиш имконини бермоқда

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминловчи суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёнида суд ишларининг ошкоралигини таъминлаш ҳамда соддалаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Фуқаролик процессуал кодекси буйруқ тартибида иш юритиш ҳақидаги алоҳида 201-боб билан тўлдирилди. Бу суд буйруғи чиқариш йўли билан ундирувчининг пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ёки кўчар мол-мулкни низосиз талаблар бўйича қарздордан талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризаларни тез ва қисқа муддатда, ортиқча сансалорликсиз ҳал этиш имкониятини яратди.

(Давоми учинчи бетда)

Инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш кўлами янада кенгаймоқда

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида судлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қиладиган мустақил давлат институтига айланди. Судларнинг ихтисослашуви, хусусан, умумий юрисдикция судларининг жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича алоҳида тузилмалари фаолияти йўлга қўйилгани ва вазифаларининг кенгайтирилгани фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

ЎзА мухбирининг Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси Холмўмин ЁДГОРОВ билан суҳбати шу ҳақда бўлди.

> **Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.**
> *Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 44-модда*

— Истиқлол йилларида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида барча зарур шарт-шароитлар яратилди, — дейди Х.Ёдгоров. — Аввало, суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши конституциявий асосда мустаҳкамланиши баробарида буни амалда таъминлаш бўйича зарур ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Судьяларнинг мустақиллиги, фақат қонунга бўйсуниши, уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашиш жавобгарликка сабаб бўлиши ҳам қонун билан кафолатланди. Одил судловни амалга оширишни таъминловчи ривожланган замонавий талабларга жавоб берадиган қонунчилик базаси яратилиши билан бирга, умумий юрисдикция судларининг ихтисослаштирилгани уларнинг жиноят ва фуқаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича фаолияти самарадорлигини оширди.

Суд ишларини юритишда апелляция, ярашув институтлари жорий этилди. Судлар ваколатини кенгайтиришга доир чоралар изчил ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини ва айбланувчини лавозимидан четлаштириш ҳамда шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш кўлами янада кенгаймоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Миллий қонунчиликка киритилган сўнгги ўзгаришларга мувофиқ, суд ўзига хос бўлмаган жиноий таъқиб этиш вазифаларидан озод этилди.

Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган бундай ислоҳотлар натижасида фуқароларнинг судларга бўлган муносабати тубдан ўзгарди, ишончи ортди.

— ***Инсон манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда, соҳадаги ишлар самарадорлигини оширишда судьяларнинг алоҳида ўрни бор. Шу маънода, бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган кадрларни шакллантириш масаласи қандай ҳал этилмоқда?***

— Мамлакатимизда суднинг нуфузини мустаҳкамлаш, унинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, қонунийликни таъминлашдаги ролини оширишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Соҳада кадрлар салоҳиятини ошириш, хусусан, судьяларнинг тўлақонли фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратишга эътибор кучайди. Жумладан, суд органлари ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатлар янада мустаҳкамланди.

Бунда давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 2 августда қабул қилинган "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим аҳамият касб этмоқда. Фармонга кўра, судьяларнинг иш ҳақи ўртача икки баробар оширилди. Судьяларнинг хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан оладиган даромадлари жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ тўловларидан озод қилинди. Бундан ташқари мазкур фармон билан судьяларга имтиёзли шартлар асосида уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш, шунингдек, турар-жойлар ижараси учун ҳар ойда пул компенсацияси тўлаб бориш тартиби жорий этилди.

Президентимизнинг 2012 йил 30 ноябрда қабул қилинган "Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эса, судья кадрларни танлаш, малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш сари кенг йўл очди. Судьялик лавозимига номзодлар яхши тайёргарлик кўрган, намунали хулқ-атвор ва катта ҳаётий тажрибага эга, юқори малакали кадрлар орасидан танлаб олинади. Аниқроқ айтганда, эндиликда фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди ҳамда хўжалик судининг судьяси лавозимига олий юридик маълумотли, яхши тайёргарлик кўрган, юқори малакали, катта ҳаётий тажриба, обрў-эътиборга, юридик ихтисослиги бўйича камида беш йиллик иш стажига эга бўлган, ўттиз ёшдан кичик бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тайинланади.

Жорий этилган бундай янги меъёрлар соҳада замонавий талабларга жавоб берадиган, инсон ҳуқуқи, тақдири борасида масъулиятни чуқур ҳис этадиган малакали кадрларни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Шуни ҳам айтиш ўринлики, 2013 йил 1 апрелдан бошлаб судьялик лавозимларига фақат судьяларни захирага киритиш, ўқитиш ва қайта тайёргарликдан ўтказиш билан боғлиқ судьяликка номзодларни танлаб олишнинг барча босқичларидан ўтган шахсларгина тайинланмоқда. Судьялик лавозимига захирада турган шахслар Ўзбекистон Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида махсус курсларда ўқиши, шунингдек, тегишли республика, вилоят, туман судларида стажировка ўташи шарт.

— ***Умумий юрисдикция судлари фаолиятини янада такомиллаштириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар ва буни тақозо қилган омиллар ҳақида ҳам тўхталсангиз.***

— Сўнгги беш йил ичида биргина фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилган ишлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари 3,4 баробар кўпайди. 2012 йилда эса, жами 161 минг 174 фуқаролик иши кўриб чиқилди. 2 миллионга яқин суд буйруқлари чиқарилди. Шу рақамларнинг ўзиёқ фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги, маданияти, судларга бўлган ишончи, иш кўламининг ошиб бораётганидан далолатдир. Бу ишларни малакали ва сифатли кўриб чиқишни янада яхшилаш, шунингдек, туман судлари тузилмасини, ҳудудий жойлашуви ва судьялар сонини кўпайтириш лозимлигини кўрсатади.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 4 октябрда қабул қилинган "Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари ишининг самарадорлигини ошириш, фаолиятини ташкил этишдаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф қилишда муҳим омил бўлаётир.

Фармонга мувофиқ қўшимча равишда фуқаролик ишлари бўйича 12 та туманлараро (туман) суди тузилиб, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судларининг янгиланган тузилмаси (юрисдикция ҳудуди) тасдиқланди.

Жумладан, 2014 йил давомида фуқаролик ишлари бўйича Фориш, Бойсун, Нуробод, Амударё ва Учқудуқ туман судлари ҳамда Пайариқ, Касби, Қуйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Пешку, Яккабоғ, Ғаллаорол туманлараро судлари фаолияти босқичма-босқич йўлга қўйилади. Бу мазкур ҳудудларда яшовчи аҳолига жуда катта қулайлик яратади. Чунки фуқароларнинг юзлаб чақирим узоқликда жойлашган судларга бориши, мурожаат этиши билан боғлиқ кўплаб муаммоларнинг олди олинади.

Янги тузилаётган фуқаролик ишлари бўйича туманлараро (туман) судларини тўлдириш ҳамда нисбатан иш ҳажми кўп бўлган амалдаги туманлараро (туман) суд ходимларининг сонини ошириш кўпайтириш мақсадида судьяларнинг сафи кенгайтирилиб, 71 нафарга етказиш кўзда тутилган. Иш ҳажми нисбатан камроқ бўлган судлардан 23 нафар судья лавозимларини иш ҳажми кўпроқ туман судларига ўтказиш орқали жиноят ишлари бўйича вилоят ва уларга тенглаштирилган судларнинг, шунингдек, туман (шаҳар) судлари ходимларининг сони қайта тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида Судлар ташкилий фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси ташкил этилди. Мазкур тузилма судьялар мустақиллиги ҳамда улар фақат қонунга бўйсуниши тамойилига қатъий риоя этган ҳолда судларнинг ижро интизоми билан боғлиқ ишларини назорат қилади. Жумладан, ишларнинг ўз вақтида кўриб чиқилиши, судлар ташкилий фаолияти, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишга доир ишларни такомиллаштириш, суд ходимларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва уларнинг малакасини оширишга доир ишларни амалга оширади.

Суд амалиётини умумлаштириш бўлими негизида эса, ахборот-таҳлил бўлими тузилди. Унинг ходимлари суд амалиётини умумлаштириш натижаларига оид таҳлилий материаллар тайёрлаш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш, амалдаги қонун ҳужжатларининг суд амалиётида бир хилда ва тўғри татбиқ этилиши юзасидан тегишли ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш каби вазифаларни бажаради.

Бу каби ишларнинг тизимли равишда ўрганилиб, таҳлил этиб борилиши, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш чораларининг кўрилиши суд ишлари самарадорлиги ошишига, ягона суд амалиёти жорий этилишига хизмат қилади.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, либераллаштириш борасида ҳам тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бунда жиноий, маъмурий суд ишлари юритилишига доир ишларни кўриб чиқишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш, фуқаролик-ҳуқуқий ҳамда маъмурий-ҳуқуқий низоларни судгача, суддан ташқари ҳал қилиш тартибини янада такомиллаштириш, умумий юрисдикция судларининг ҳукмлари, қарорлари ижро этилиши устидан суд назоратини кучайтириш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, унинг ўринбосарлари, вилоят судлари ва уларга тенглаштирилган судлар раисларига кассация тартибида протест билдириш ҳуқуқини бериш каби меъёрлар назарда тутилмоқда.

Бу каби чора-тадбирларнинг амалда таъминланиши умумий юрисдикция судлари фаолиятини янада такомиллаштириш, одил судловни сифатли амалга ошириш, фуқароларнинг конституциявий асосда кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларини, қонун устуворлиги, ижтимоий адолат, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини янада кенгроқ ва тўлароқ таъминлашга хизмат қилади.

ЎзА мухбири Норгул АБДУРАИМОВА суҳбатлашди.

Фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг деярли барча асосий қоидаларини ўзида мужассам қилиб, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишини қайд этади, унга кафолатлар беради.

Ўтган йиллар давомида Парламентимиз томонидан инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини тартибга соладиган 15 кодекс ва юзлаб қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон биринчи ратификация қилган ҳужжат ҳам Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бўлди. Истиқлол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 70 дан ортиқ асосий халқаро ҳужжатга қўшилди, БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган олтита асосий халқаро шартнома қатнашчисига айланди. Ўтган давр мобайнида БМТнинг шартномавий қўмиталарига мазкур халқаро ҳужжатларнинг бажарилиши бўйича 30 дан ортиқ Миллий маъруза тақдим этилди.

Конституциямиз, шунингдек, туб моҳияти, фалсафаси ва ғоясига кўра, янги ҳужжат бўлиб,



Ўзбекистонда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши, ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслигини кафолатлайди. Собиқ тузум давридаги конституциялардан фарқли ўлароқ, мамлакатимиз Конституцияси ҳар бир шахснинг мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этишини, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинликларини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида бўлишини кафолатлаган. Бу эса, хусусий мулкнинг ривожланишига, аввало, тадбиркорликка, кичик ва ўрта бизнес эгаларига кенг йўл очиб беришда, уларни нафақат миллий бойлик яратишда ва уни зиёда этишда, балки ҳар қайси оиланинг фаровонлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Давлатчилигимиз тарихида биринчи марта "маҳалла" тушунчаси Конституциямизга киритилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми қатъий белгилаб қўйилди. Конституциямизнинг 105-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Истиқлолнинг ўтган даврида ушбу конституциявий тамойилдан келиб кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилганига ҳар биримиз гувоҳмиз. Хусусан, жорий йил апрель ойида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари янги таҳрирда қабул қилинди. Шу нуқтаи назардан, айни пайтда бўлиб ўтаётган фуқаролар йиғинларига сайловлар мамлакатимизда фуқаролик жамиятини янада мустаҳкамлаш, қонун нормаларини ҳаётга изчил татбиқ этиш, жамиятни демократлаштиришда муҳим омил бўлишига шубҳа йўқ.

Мухтасар айтганда, Конституциямиз биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки ғурур-ифтихор, шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустаҳкам ҳимоя қўрғонидир. Шу билан бирга қонун олдида ҳамманинг тенглигини таъминлайдиган, ҳар бир инсоннинг ўз фикрини эмин-эркин ифода қилишида, ўз ҳақ-ҳуқуқлари муҳофаза этилишида, бурч ва масъулиятларини бажаришида муҳим ҳуқуқий кафолатлар мажмуидир.

Миравзал МИРАКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар номзоди

Qonun ko`magi

Хорижий инвестициялар – иқтисодиёт таянчи

Мамлакатимизда хорижий инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлаш, янги иш жойларини яратиш мақсадида қабул қилинган қонунлар амалда кутилган самараларини бермоқда. Буни иқтисодиётда хорижий инвестициялар миқдори тобора ортиб бораётгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Айтиш керакки, мамлакатимизда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича адлия идоралари зиммасига алоҳида вазифалар юклатилган. Шундан келиб чиқиб, Хоразм вилоят адлия бошқармаси томонидан ҳам бу борада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Айтиш керакки, вилоят адлия бошқармаси томонидан вилоятда фаолият кўрсатаётган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарда "Текширишларни рўйхатга олиш китоби" текширувчи ва текширилувчи томонидан тўлдирилишининг қонунийлиги юзасидан мониторинг ўтказилди. Ушбу мониторинг натижаси бўйича Урганч шаҳар давлат санитария эпидемиология назорат маркази, Урганч тумани бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ва Урганч тумани давлат солиқ инспекцияларининг мансабдор шахслари томонидан 8 та ҳолатда "Текширишларни рўйхатга олиш китоби"ни тўлдиришда текширишлар тартибига оид талаблар бузилганлиги аниқланди.

Масалан, Урганч шаҳрида жойлашган "Gilamchi carpet" Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида юритилаётган "Текширишларни рўйхатга олиш китоби" мониторинг қилинганда, Урганч тумани давлат солиқ инспекцияси ва туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ходимлари томонидан "Текширишларни рўйхатга олиш китоби"ни тўлдириш тартиби бузилганлиги аниқланди. Мазкур қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан туман давлат солиқ инспекцияси ва бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбарлари номига огоҳномалар киритилди.

Бундан ташқари "Урганч ёғ-мой" Польша билан ҳамкорликдаги қўшма корхонада ўтказилган мониторинг жарёнида қўшма корхона билан Қўшкўпир туманидаги "Хадра Қўчқор кўл" фермер хўжалиги ўртасида 2012 йил 4 июнда 18 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бериш бўйича 22-сонли контрактация шартномаси тузилгани аниқланди. Ушбу шартномага асосан, "Хадра Қўчқор кўл" фермер хўжалигига 70 килограмм кунгабоқар уруғи етказиб берган. Қўшма корхона томонидан эса, шартномага асосан хўжалик ҳисобига кунгабоқар уруғи учун 1 миллион 540 минг сўм ва бўнак ҳисобидан 7 миллион 810 минг сўм ўтказиб берилган. Шартноманинг тегишли бандларида хўжалик томонидан тайёрловчига 10 гектар ер майдонидан 15 тонна кунгабоқар топширилиши ҳамда фермер хўжалиги 2012 йил 20 октябрдан кечиктирмай шартномада белгиланган миқдорда ва турларда сифатли маҳсулот топширилиши кўрсатилган. Бироқ "Хадра Қўчқор кўл" фермер хўжалиги томонидан шартноманинг ушбу бандлари бажарилмаган.

Мониторинг натижаси бўйича, қўшма корхона фойдасига асосий қарзни ҳамда жаримани ундириш юзасидан Хоразм вилояти хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Вилоят хўжалик суди томонидан даъво ариза кўриб чиқилиб, 9 миллион 350 минг сўм асосий қарз ва 1 миллион 870 минг сўм жарима ундириш юзасидан ҳал қилув қарори чиқарилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, хорижий сармоядорларнинг манфаатларини ҳимоялашга доир қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ижроси аниқ таъминланиши адлия органлари ходимларининг доимий назоратидадир.

Н.РАҲИМОВ,
Хоразм вилоят адлия бошқармасининг бўлим бош маслаҳатчиси

Mezon

Бурч ва

Маълумки, Асосий қонунимизнинг 2-моддасида "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар", дея белгилаб қўйилган.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда инсон омилига эътибор олий қадрият даражасига кўтарилган бўлиб, давлат органлари ва мансабдор шахслар халқимиз манфаатларини кўзлаб, Конституциямиз ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар доирасида фаолият олиб боради.

Ўз навбатида, ҳар бир фуқаро табиий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа ҳуқуқлардан кенг фойдаланган ҳолда ўз зиммасидаги бурч ва мажбуриятларни тўлиқ адо этиши шарт. Бу эса, ўз навбатида, тараққиётимизни янада юксалтиришга, турмушимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади. Бироқ ҳаётда баъзан ўз мажбуриятларини тўлиқ адо этмайдиган, ҳатто хизмат вазифасини ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсларга тўсқинлик қиладиган кимсаларнинг ҳам учраб туриши ғоятда ачинарлидир. Бундай ножўя хатти-ҳаракатлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига дахл қилиши баробарида давлат ва жамият манфаатларига ҳам путур етказиши мумкин. Шу боисдан ҳам бундай қилмишга нисбатан Жиноят кодексининг 219-моддасида жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилган. Мазкур моддада нафақат ҳокимият вакили, яъни ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича асосий ёхуд қўшимча вазифаларни адо этувчи шахслар, айни чоғда фуқаровий бурчини бажараётганлар, аниқроқ айтганда, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда кенг жамоатчиликка ёрдам бераётган, ўзининг конституциявий бурчини бажараётган шахсларга нисбатан қаршилик кўрсатганлик учун қонуний жазо қўлланилиши назарда тутилган.

Айтиш керакки, қонуний фаолиятга нисбатан қаршилик кўрсатиш натижасида ҳокимият вакили ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахснинг ҳаёти ёки соғлигига шикаст етказилган бўлса, айбдорнинг қилмиши Жиноят кодексининг 219-моддаси, шунингдек, шикаст етказганлик учун жавобгарлик назарда тутилган бошқа моддалар билан малакаланади.

Келинг, шу ўринда ҳаётий мисол ёрдамида фикримизни давом эттирамиз.

Шўрчи туманида истиқомат қиладиган А. Толмасов (исм-шарифлар шартли) туман марказидаги дорихоналардан бирида фаолият юритарди. Мазкур дорихонада давлат солиқ қўмитаси "Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш" бош бошқармасининг Сурхондарё вилояти бўлими ходимлари томонидан назорат текшируви ўтказилади.

Ахборот эркинлигининг конституциявий кафолатлари

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари соҳасидаги қонунчилик халқаро андозалар ва замон талабларига уйғун тарзда такомиллаштирилиб, норматив-ҳуқуқий база янада мустаҳкамланиб бормоқда. Яъни оммавий ахборот воситалари соҳасини тартибга солувчи қонунлар, бир томондан, умумэътироф этилган демократик тамойилларга таянса, иккинчи томондан, миллий-маданий ўзига хосликни ифода этади.

Юртимизда эркин фаолият юритиш учун яратилган бундай мустаҳкам ҳуқуқий асос оммавий ахборот воситалари сонининг йил сайин ортиши, нодавлат мустақил босма ва электрон матбуот тармоғининг тобора ривожланиб боришига кенг имкониятлар яратмоқда. Шу ўринда рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, 1994 йилда республикамизда 475 та босма ва электрон оммавий ахборот воситалари мавжуд бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 1377 тадан ошди. Мамлакатимизда 4 та ахборот агентлиги, 720 та газета, 286 та журнал, 16 та ахборотнома-бюллетень, 34 та радио ва 67 та телевидение, 253 та веб-сайт фаолият кўрсатмоқда. Бугун фаолият юритаётган оммавий ахборот воситаларининг 30 фоиздан ортиғи нодавлат тармоқ ҳиссасига тўғри келади.

Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси барча соҳаларда бўлгани каби оммавий ахборот воситаларининг янада тараққий этишида янгидан-янги уфқларни очди. Таъбир жоиз бўлса, Концепциянинг ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишида белгилаб берилган стратегик вазифалар миллий ахборот маконимизнинг жаҳон ахборот майдони билан

интеграциялашувида муҳим аҳамият касб этади. Концепцияда таклиф этилган ахборот соҳасини ислоҳ этиш чора-тадбирлари ахборот соҳасида бозор механизмларини такомиллаштириш, ахборотни ҳамма тенг ва эркин олиш ҳуқуқини тўлиқ таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида очиқлик тамойилини амалга ошириш, жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни яратишга йўналтирилган.

Маълумки, бугун ҳар қандай босма ёхуд электрон матбуот воситасининг ахборот маконида ўз ўрнига эга бўлиши, ривож топиши энг асосий вазифа ҳисобланади. Бундай шароитда фақат иқтисодий жиҳатдан мустақил ва мустаҳкам бўлган жамоагина ўз мавқеини сақлаб қолиши мумкин. Давр ўтиши билан оммавий ахборот воситаларининг ҳам шакли, ҳам мазмуни ўзгариб борар экан, уларни иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш механизми ҳам такомиллаштирилиб борилиши табиий.

Концепцияда ушбу вазифани амалга ошириш, жумладан, ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, оммавий ахборот воситаларига қўшимча иқтисодий преференциялар яратиш ва миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида"ги ва "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги қонунларни қабул қилиш таклиф этилди.

Мазкур қонунлар оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни кафолатлашга, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш асосларини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормаларни аниқ ва равшан белгилаб беради. Ҳар икки қонуннинг амалга киритилиши келгусида жамоатчиликни тўла, ҳаққоний ва тезкор ахборот билан таъминлаш, демократик принципларга асосланган ҳолда оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитларни яратади.

Концепцияда илгари сурилган "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклифи эса, ҳозирги тезкор давр талабидан келиб чиққан, десак, муболаға бўлмайди. Зеро, "Ахборот асри" дея таърифланаётган XXI асрда ҳар соат, таъбир жоиз бўлса, ҳар дақиқада турли хил янгиликлар, илғор технологиялар яратилмоқдаки, замондан ортда қолмаслик учун уларни ҳаётга изчил жорий этиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда давлатнинг ахборот соҳасидаги сиёсати Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган сўз эркинлиги принциплари ҳамда фуқароларнинг ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳеч қандай монеликсиз, ҳар тарафлама ва тўла-тўкис таъминлашга қаратилган. Зеро, бугунги глобаллашув даврида халқимиз ва халқаро ҳамжамиятни ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган янгилик ва ўзгаришлардан ўз вақтида хабардор қилиш, қолаверса, жамоатчилик фикрини шакллантиришдек муҳим ва масъулиятли ишлар рўёбида оммавий ахборот воситалари фаолияти алоҳида ўрин тутади.

Шу маънода эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини қуриш йўлидаги муҳим вазифалардан саналади.

Ана шу йўлда ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибаларига таяниб, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳамда умумбашарий мезонлар билан неча минг йиллик миллий қадриятларимизни ўзаро уйғунлаштирган ҳолда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб қабул қилинган Конституциямиз муҳим ҳуқуқий ҳужжат, тамал тоши бўлиб хизмат қилаверади.

Улуғбек МУҲАММАДИЕВ,
Шуҳрат ДЕҲҚОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари

Инсон ҳуқуқлари устуворлиги тамойили

Конституциямизнинг бош мақсадидир

Бундан йигирма бир йил аввал яратилган мамлакатимиз Конституцияси юртимиз тараққиётининг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Шу боис ҳам у нафақат халқимиз, балки кўпгина хорижий давлатлар экспертлари томонидан юксак инсонпарвар, демократик қомус, дея эътироф этилган.

Конституциямизнинг ҳар бир моддасида инсонпарварлик, ижтимоий тенглик, қонунийлик, одиллик каби умумэътироф этилган принциплар ўзининг теран ифодасини топган. Унинг негизида яратилган 15 та кодекс ва қонунларимиз ушбу ҳаётий муҳим тамойилларни янада ривожлантириш, уларни ҳаёт ва замон талабларига мутаносиб равишда такомиллаштириб бориш имконини бермоқда.

Шуни алоҳида эътироф этиш зарурки, суд-ҳуқуқ тизимининг муҳим бўғини ҳисобланган Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ва унинг жойлардаги бўлимлари ушбу қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлашга энг устувор вазифа сифатида ёндашмоқда.

Албатта, бу жараёнда инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тўлиқ таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зотан, Конституциямизнинг 19-моддасида белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорларисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Юртимизда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза этилади. Бу фикрнинг тасдиғини Конституциямизнинг 43-моддаси мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Мазкур моддада белгилаб қўйилганидек, давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

Албатта, бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик замирида оилалар барқарорлиги, мустаҳкамлиги, фарзанд тарбияси, унинг бахт-иқболи ва камолини таъминлаш сингари эзгу мақсадлар мужассамдир. Ўзбекона меҳр-оқибат, ғамхўрлик Конституциямизнинг 64, 65 ва 66-моддаларида аниқ баён этилган. Унга мувофиқ, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунга қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади. Шунингдек, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.

Кези келганда шуни ҳам айтиш жоизки, ўз фарзанди тарбияси, таъминоти ёхуд ота-онага ғамхўрликдан бўйин товлаш каби қилмишларга нисбатан қонунларимизда жавобгарлик белгилаб қўйилган. Бу борада Республика Суд департаменти ва унинг маҳаллий бўғинлари зиммасига ҳам алоҳида вазифалар юклатилган. Бу борадаги суд қарорлари, ажрим ва ҳукмлар ижросини тўлиқ таъминлаш вояга етмаганлар ва меҳнатга лаёқатсиз кексаларни ҳуқуқий ҳимоялашда муҳим ўрин тутади. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ Суд департаменти органларига ўз боласи ва ота-онасига ғамхўрлик кўрсатишдек инсоний бурчини унутиб қўйган айрим кимсаларга нисбатан суриштирувчи орган сифатида жиноят иши қўзғатиш ваколати ҳам берилди. Шу ўринда мисолларга мурожаат қилсак, ўз фарзандининг моддий таъминоти учун 4,8 миллион сўм алимент пулини 1,5 йил давомида тўламай келган хивалик Ботирбой Сўпиев (исм-шарифлар ўзгартирилган) ва 7,8 миллион сўмлик алимент маблағини 2 йилдан кўпроқ вақт мобайнида тўламай келган янгиариқлик Ҳаким Содиқовлар қонун олдида такроран жавоб беришга мажбур бўлди. Шу тариқа ўз отасидан моддий таъминот ололмаётган фарзандларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари тикланди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Конституциямиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқаришгина қолмай, эркин ва фаровон ҳаёт кечиришимизни ҳам кафолатлаб берди. Зотан, Асосий қонунимиз жаҳондаги энг инсонпарвар ва демократик конституциялардан бири сифатида мамлакатимиз тараққиётини янада юксалтиришнинг ҳуқуқий пойдеворидир.

Абдуваҳоб ОРИПОВ,
Суд департаменти Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи
Абдулла СОБИРОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Faoliyat

Суд буйруғи асосида иш юритиш

фуқаролик ишларини тез ва самарали ҳал этиш имконини бермоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ушбу институтнинг ўзига хос томони шундаки, Фуқаролик процессуал кодексининг 2383-2384-моддаларига риоя қилинган ҳолда тақдим қилинган аризалар юзасидан судья судда ишни кўрмасдан суд буйруғи чиқаради.

Кейинчалик агар талаб ёзма битимга асосланган ва қарздор томонидан тан олинган бўлса, шу жумладан, агар коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса ҳам суд буйруғи чиқариш имконияти қонунчиликда акс эттирилди.

Чунки фойдаланилган коммунал хизмат ҳақини ундириш билан боғлиқ талаблар низосиз бўлиб, ушбу тоифадаги талаблар юзасидан суд буйруғи чиқариш бирон-бир тарафнинг манфаатига зид келмайди, аксинча, талабни қисқа муддатларда ҳал этиш имконини беради.

Шунингдек, ходимнинг ҳисобланган, лекин тўланмаган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса ҳам суд буйруғи чиқарилиши белгиланди.

Таъкидлаш лозимки, суд буйруғи институти процессуал қонунчиликка киритилганидан буён ўтган вақт мобайнида фуқаролик ишини юритишнинг ўзига хос алоҳида тури сифатида тезкор, қулай усул эканлигини амалда тўлиқ исботлади.

Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, суд буйруғи устидан апелляция, кассация ва назорат тартибида шикоят қилинмайди. Борди-ю, белгиланган муддатда қарздордан арз қилинган талабга қарши эътироз тушса, судья суд буйруғини бекор қилиш ҳақида ажрим чиқаради. Суд буйруғини бекор қилиш тўғрисидаги ажримда судья ундирувчи арз қилган талаб даъво ишларини юритиш тартибида тақдим этилиши мумкинлигини тушунтиради.

Масалан, фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судига шу йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида вояга етмаган болалар таъминоти учун алимент ундиришни сўраб 611 та ариза келиб тушган. Ушбу талаблар суд буйруғи асосида тўлиқ қаноатлантирилган. Шунингдек, ёзма битимга асосан ва қарздор томонидан тан олинган ишлар бўйича 6610 та, электр таъминоти бўйича 2273 та, коммунал хизматлар бўйича 58 та, солиқ қарзини ундириш юзасидан 924 та, иш ҳақи ундириш билан боғлиқ 72 та суд буйруқлари чиқарилган. Ушбу ишлар бўйича чиқарилган суд буйруқларидан 22 таси Фуқаролик процессуал кодекси 238-10-моддасига асосан, суд ажрими билан бекор қилинган.

Фикримизни мисоллар асосида давом эттирадиган бўлсак, С.Қўзиева (исм-шарифлар ўзгартирилган) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, бир нафар вояга етмаган фарзанди таъминоти учун алимент ундириб беришни сўраган. Суднинг шу йил 14 июндаги суд буйруғи билан қарздор Н.Турғуновдан бир нафар вояга етмаган фарзандининг таъминоти учун у вояга етгунига қадар ойлик иш ҳақи ва бошқа турдаги барча даромадларининг тўртдан бир қисми миқдорида алимент ундириш белгиланди.

Шу ўринда иккинчи мисолга тўхталиб ўтсак, ундирувчи "Марказгазтаъминот" унитар корхонаси "Нарпайтумангаз" шахобчаси қарздор Б.Шовқиевга нисбатан фойдаланилган табиий газ ҳақидан келиб чиққан 2 миллион 31 минг 628 сўм қарзни ундириш ҳақида суд буйруғи чиқариш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган. Суд ундирувчининг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, қарздор Б.Шовқиевдан фойдаланилган табиий газ ҳақидан келиб чиққан 2 миллион 31 минг 628 сўм қарзни ундириш ҳақида суд буйруғи чиқарди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, фуқаролик қонунчилигига киритилган суд буйруғи институти амалда фуқароларнинг низосиз бўлган муносабатларини ўз вақтида, сансалорликсиз ҳал этишга, муҳими, ортиқча харажатларнинг камайишига хизмат қилмоқда.

Собир КУЛИЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро судининг судьяси

Maslahat

Муаллифлик шартномаси

у қандай тартибда тузилади?

2006 йил 21 июлда қабул қилинган **«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»**ги қонуннинг 39-моддасига мувофиқ муаллифлик шартномаси тузилаётганда қўйидаги шартлар назарда тутилиши керак:

— асардан фойдаланиш усуллари (мазкур шартнома асосида ўтказиладиган конкрет ҳуқуқлар);

— асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули учун тўланадиган ҳақ миқдори ва (ёки) тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тартиби, уни тўлаш тартиби ҳамда муддатлари.

Шу билан бирга муаллифлик шартномаси тарафлари зарур деб топган бошқа шартлар ҳам эътиборга олиниши мумкин.

Шартнома тузилган пайтда асардан фойдаланиш ҳақида ҳали маълум бўлмаган ҳуқуқлар муаллифлик шартномаси мавзуси бўлиши мумкин эмас.

Тўланадиган ҳақ муаллифлик шартномасида асардан фойдаланишнинг тегишли усули учун олинадиган даромаддан фоиз тарзида белгиланади ёки агар буни асарнинг хусусияти ёки ундан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш мумкин бўлмаса, шартномада қайд этилган сумма тарзида муаллифлик ҳақининг энг кам миқдорлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Агар асарни нашр этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш ҳақидаги муаллифлик шартномасида ҳақ тўлаш қатъий сумма тарзида белгиланса, шартномада асарнинг энг кўп адади белгилаб қўйилиши шарт.

Муаллифлик шартномаси бўйича ўтказилган ҳуқуқлар бундай шартномада бевосита назарда тутилган тақдирдагина бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин.

Муаллифнинг келгусида мазкур мавзуда ёки мазкур соҳада асарлар яратишини чеклайдиган муаллифлик шартномаси шарти ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

мажбурият

Бўлим ходимлари дорихонада мавжуд дори-дармон воситаларини саноқдан ўтказа бошлаганида А.Толмасов уларга қаршилик кўрсатиб, дорихонадан чиқиб кетишни талаб қилади. Бўлим ходимлари ўзларининг қонуний фаолиятларини давом эттириб, мазкур дорихонада 120 номдаги дори-дармон воситалари қонунга хилоф тарзда сақланаётганини аниқлашади. Қонунга зид қилмиши ошкор бўлиб қолган А.Толмасов муқаррар жавобгарликдан қутулиб қолиш мақсадида шу ерда сақланаётган пичоқ билан қуролланиб, тезкор тадбир ходимларига таҳдид қилади. Ва шу аснода, ноқонуний тарзда сақланаётган дори-дармон воситаларига бензинга ўхшаш суюқ моддани сепади ва қўлидаги гугурт билан ёндириб юборишга уринади. Қисқаси, А.Толмасов тезкор тадбир иштирокчиларини дорихонадан чиқиб кетишга мажбур қилади ва эшикни ичкаридан қулфлаб олганча, ноқонуний тарзда сақланаётган дори-дармон воситаларини яширишга уринади.

Албатта, ҳаётда ҳар қандай жиноий қилмиш жазосиз қолмайди. Жиноят ишлари бўйича Шўрчи тумани суди ушбу жиноят ишини атрофлича кўриб чиқиб, А.Толмасовни Жиноят кодексининг нафақат 219-моддаси 2-қисми, айни чоғда ушбу кодекснинг 112-моддаси билан ҳам айбдор деб топди ва унга нисбатан қонуний жазо тайинлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ҳар биримиз шу юртнинг озод ва эркин фуқароси сифатида ўз ҳуқуқларимиздан ҳеч бир монеликсиз фойдаланар эканмиз, зиммамиздаги қонуний бурч ва мажбуриятларимизни ҳам тўлиғича адо этишимиз лозим. Зотан, ўз юртини юракдан севган ҳар бир фуқаро инсоний бурч ва қонуний мажбуриятларини бажариш орқали Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшган бўлади.

Отабек ТОШЕВ,
жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти суди раиси ўринбосари
Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,
"Куч — адолатда" мухбири

Hikmat

Донолар дейдиларки

Ўз қадрини билмаган одам ўзганинг қадрини тушунмайди.

* * *

Бугунги ишни эртага қўйма.

* * *

Ҳар бир ишни фикр ва андиша билан қил.

* * *

Умрбод ортингдан эргашиб юрадиган ёқимли душман — нафс!

* * *

Китоб — бойлик. Лекин сотиб олингани эмас, ўқилгани.

* * *

Ҳамма нарсани биламан, дейдиган одам ҳеч нимани билмайди!

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Айтинг-чи, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларидан ногирон бўлиб қолган шахсга мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси қандай тартибда тўланади?

М.Ёқубов,
Гулистон шаҳри

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, 2008 йил 28 августда қабул қилинган "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида"ги қонуннинг 11-моддасида ногиронлик пенсияси ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида меҳнат қобилияти тўлиқ ёки қисман йўқотилганда тайинланиши қайд этилади.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида ногиронлик пенсияси иш стажидан қатъи назар тайинланади.

Ногиронлик сабаблари ва гуруҳлари, шунингдек, ногиронлик келиб чиққан вақт ва ногиронлик белгилаб қўйилаётган муддат қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан аниқланади.

Саволга ҳуқуқшунос С.Ниёзова жавоб берди.

Fuqarolik qonunchiligi

Болалар манфаатлари муҳофазаси

фарзандликка олиш орқали ҳам таъминланади

Мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини муҳофаза қилиш давлатимизнинг доимий эътиборида. Ушбу мақсадга қаратилган миллий қонунчилик асослари яратилган бўлиб, у доимий равишда такомиллаштириб борилмоқда.



Айтиш керакки, Асосий қонунимизга мувофиқ, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради.

Оила қонунчилигига кўра, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга фарзандликка олиш институти орқали ҳам ғамхўрлик кўрсатилиши мумкин. Шу маънода фарзандликка олиш — болаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида вужудга келадиган муносабат саналади.

Мазкур муносабат вояга етмаган, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга нисбатан ихтиёрийлик асосида пайдо бўлиб, бевосита қонунга биноан биологик ота-оналик ҳуқуқий мақомига тенглаштирилган.

Фарзандликка олиш муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар ота-онаси бўлмаган ёки турли хил сабабларга кўра, улар тарбиясидан маҳрум бўлиб қолган болаларга оилавий тарбияни таъминлаб, болалар ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган. Фарзандликка олиш фарзандликка олувчи ҳамда фарзандликка олинганлар ўртасида барча шахсий ва мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни вужудга келтиради.

Фарзандликка олишга доир низоли ишлар болалар тарбияси билан боғлиқ низолар туркумига кириб, унга оила ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар сифатида қаралади. Бундай низоларнинг судлар томонидан тўғри ҳал этилиши бола ҳуқуқларининг муҳофазасини таъминлашга хизмат қилади.

Шу ўринда мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Фарҳод Тошматов (исм-шарифлар ўзгартирилган) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, тоғаси Фарруҳ Соатов ва янгаси Ҳулкар Ортиқоваларнинг 2013 йил 22 майда туғилган Барно исмли қизини фарзандликка олиб беришни ҳамда унинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини тегишлича ўзгартиришни сўраган.

Айтиш керакки, Оила кодексининг 151-моддасига кўра, фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва фақат уларнинг манфаатларини кўзлаб йўл қўйилиши, фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг (шахснинг) аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик органларининг фарзандликка олишнинг асослилиги ва фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги хулосаси ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан амалга оширилади.

Юқорида қайд этилган асосларнинг мавжудлиги туфайли фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг ҳал қилув қарорига кўра, Ф.Тошматовнинг аризаси қаноатлантирилиб, Барно унинг фарзандлигига олиб берилди. Шунингдек, Нишон тумани ФҲДЁ бўлими зиммасига Барнонинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувидаги фамилияси Тошматова Барно Фарҳод қизи деб, отаси Тошматов Фарҳод Муродович, миллати ўзбек, онаси Тошматова Гулмира Темировна, миллати ўзбек, деб ўзгартириш киритиш мажбурияти юклатилди.

Шунингдек, Ҳайитхол Пўлатова ҳам судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, куёви Ҳамид Ҳасановнинг 2000 йил 6 июнда туғилган Ҳуснора исмли қизини ўзига фарзандликка олиб беришни сўраган.

Фуқаролик процессуал кодексининг 285-4-моддасида судья ишни судда кўришга тайёрлашда ажрим чиқариши, унга кўра, фарзандликка олинаётган боланинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига фарзандликка олиш асосли эканлиги ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида судга хулоса тақдим этиш мажбурияти юкланади.

Аниқланишича, Ҳуснора Ҳ.Пўлатованинг қарамоғида яшаб келаётган бўлсада, унинг отаси Ҳ.Ҳасанов фарзандига нисбатан оталик ҳуқуқидан тегишли тартибда маҳрум этилмаган ҳамда у қизини фарзандликка бериш юзасидан нотариал тартибда тасдиқланган ёзма розилик бермаган. Шу боис фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг ҳал қилув қарорига кўра, Ҳ.Пўлатованинг вояга етмаган болани фарзандликка олиш ҳақидаги аризаси рад қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, болаларни фарзандликка олишда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бериш зарур. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг келгусида яхши шароитда яшаши, рисоладагидек таълим-тарбия олиши, энг муҳими, комил инсон бўлиб вояга етишини таъминлайди.

Шерқул ХОЛИҚОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг раиси

Jinoyat va jazo

Гумроҳлик

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда)

Қисқаси, шу куни жиноий гуруҳ аъзолари қабиҳ ниятларини амалга ошириш мақсадида узоқ вақт режа тузишади. Эртаси куни эса, тахминан соат ўн иккиларда Бобошер Гулшоданинг қўл телефонига қўнғироқ қилиб, Хонгул иккаласи уни кутиб туришганини айтади. Йўлда кетаётиб, Хонгул Гулшодага "Сен айтган пичоқни топдик", деб унга ихчам, тиғли пичоқни беради. Бу пайтда улар шаҳарнинг таксилар тўхтайдиган жойига етиб келишганди.

Хонгул машина ичига биқиниб олганча Гулшодага Аҳмад бобони кўрсатади. Шундан сўнг Гулшода А.Набиевнинг машинаси томон йўл олади.

— Таксичимисиз? — дея сўрайди Гулшода ва ҳайдовчининг жавобини ҳам кутмай машинанинг олдинги ўриндиғига ўтириб олади. Ҳайдовчи ундан қаерга боришини сўрайди.

— Тўдакўлга бориб, балиқ олиб келамиз, — дейди Гулшода рус тилида.

Аҳмад бобо "бўпти, кетдик", дея машинани ўт олдиради.

Улар анча юриб, шаҳардан ташқарига чиққач, қандайдир катта кўприк устида тўхтайди. Атрофда ҳеч зоғ кўринмасди.

— Кун жуда қизиб кетди, пастга тушиб, бироз айланайлик, — дейди Гулшода. Аҳмад бобо ҳам мижозининг ортидан машинадан тушади. Гулшода эса, телефонини қўлига олиб, анча нарига боради-да, Бобошерга қўнғироқ қилади. Буни қарангки, Бобошер билан Хонгул "Жигули" автомашинасида уларнинг изидан келаётганди.

* * *

Қисқаси, ўша куни ҳаммаси кўз очиб юмгунча фурсат ичида рўй беради. Гулшода сумкасидан билдирмай пичоқни олади-да, А.Набиевнинг бўйин соҳасига зарб билан уради. Ўткир тиғ А.Набиевнинг бўйнига кириб, олд томонидан кесиб чиқади. Кутилмаган ҳамладан А.Набиев Гулшода томонга ўгирилади ва чап қўли билан пичоқнинг тиғини ушлаб олади. У жон талвасасида кўзлари қонга тўлган аёлга қаршилик кўрсата бошлайди. Бироқ Гулшода унинг бўйнига кетма-кет пичоқ уради...

Охир-оқибат А.Набиев ҳолсизланиб, ерга йиқилади. Гулшода машинадан сочиқни олиб юзқўлидаги қонни артади. Сўнг сочиқ билан пичоқни сувга ташлаб юборади. У анча нарида турган Бобошернинг машинасини кўриб, уларни имлаб чақиради. Шундан сўнг у шоша-пиша сумкачасидан бир жуфт қўлқопни олиб қўлига кияди-да, машина салонидан пул ахтара бошлайди.

Бобошер калитни олиб, машина юкхонасини очиш зарурлигини айтади. Гулшода унинг айтганларини бажаради. Б.Холжигитов А.Набиев пулини яшириб қўйиши мумкин бўлган жойларни айтиб туради. Бироқ унинг ўзи ҳеч нарсага қўл теккизмайди. Юкхонадаги заҳира ғилдирак остида сариқ рангли пакетга ўралган пул топилганини кўриб Гулшоданинг кўзлари ёниб кетади.

Гулшода шоша-пиша пул солинган пакетни, "Нексия" салонидаги сумкачасини, ўзининг ва А.Набиевнинг қўл телефонини олиб, Б.Холжигитовнинг машинасига ўтиради. Бобошер Бухоро шаҳри томон машинасини елдек учириб борар, Гулшода одамларнинг эътиборини тортмаслик учун орқа ўриндиққа биқиниб олганди.

Машина Когон йўлига етганда Гулшода ўрнидан туриб, босқинчилик йўли билан қўлга киритган сариқ пакетни очади. Пакет ичида жами 700 минг сўм бор экан...

Қисқаси, ўша куни кечга томон жиноий шериклар "Фароғат" қаҳвахонасида учрашишади. Улар уйларига олиб кетиш учун алоҳида-алоҳида таом буюртма беришади. Хонгул Аҳмад бобога тегишли машинанинг юкхонасидан олинган пулларни стол устига қўяди.

Буюртирилган таом тайёр бўлгач, жиноий шериклар "ўлжа"ни ўзаро тақсимлаб олишади. Хонгул ўзига ажратилган пулни олиб уйига кетади. Бобошер билан Гулшода эса, сумкадаги қонга бўялган кийимларни сувга ташлаб юборишади. Лекин бу билан излар ёпилмайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларининг саъй-ҳаракати билан бу жиноий қилмиш тез орада фош этилди.

Бир инсоннинг ҳаётига зомин бўлган шайтон измидаги бу кимсаларга нисбатан қонуний жазо тайинланди. Суд дастлабки тергов идораси томонидан судланувчи Г.Умрзоқованинг жиноий ҳаракатларини Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "ж", "и", "п", "р" бандлари ва 164-моддаси 3-қисми "а", "г" бандлари, судланувчилар Х.Жабборова ва Б.Холжигитовларнинг жиноий ҳаракатларини эса, Жиноят кодексининг 28, 97-моддаси 2-қисми "ж", "и", "п" бандлари ва 28, 164-моддаси 3-қисми "г" банди билан тўғри малакаланган деган тўхтамга келди.

Бинобарин, суд судланганлик ҳолати тугалланмасдан, яна қасддан ўта оғир жиноят содир этгани учун Г.Умрзоқовани Жиноят кодексининг 34-моддасига мувофиқ ўта хавфли рецидивист деб топди.

Суд судланувчилар Г.Умрзоқова ва Х.Жабборовларнинг ҳар бирига Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан ўн беш йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади. Г.Умрзоқова тайинланган жазони қаттиқ тартибли, Х.Жабборова умумий тартибли колонияларда ўташи белгиланди. Судланувчи Б.Холжигитовга нисбатан узил-кесил ўн етти йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

Судланувчилар Г.Умрзоқова, Х.Жабборова ва Б.Холжигитовлардан жабрланувчилар фойдасига моддий ва маънавий зарар учун 15 миллион сўм солидар тартибда ундириладиган бўлди. Жиноят қуроли деб эътироф этилган Р.Шамсиддинованинг номидаги "ВАЗ-21063" русумли автомашина давлат эгалигига мусодара қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳалол меҳнатнинг орқасидан умргузаронлик қилиш ҳаётнинг мазмунини ташкил этса, у янада файзли, баракали бўлади. Буни ўз вақтида тушунган, фақат тўғри йўлни танлаган одамлар ҳеч қачон қоқилмайди. Эгри йўл, нопок мақсад эса, кишини бадном қилади. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" мухбири

G'aroyib olam

Бу дунёда ҳар бир миллат, элат ва қабилаларнинг ўзига хос урф-одат, тартиб-қоидалари борки, булар четдан қараган кишига дафъатан ажабтовур ва ҳатто кулгули туюлиши ҳам мумкин. Бундан ташқари дунёнинг баъзи давлатларида ҳам ўта антиқа қонунлар қабул қилинган.

Қуйида дунё халқлари ҳаётида учрайдиган ана шундай антиқа қонун ва тартиб-қоидалар ҳақида ҳикоя қиламиз.

Биз билган ва билмаган дунё

Айтиш керакки, АҚШнинг Луисвилл шаҳрига борган киши ўқ-ёй билан балиқ овлашни асло хаёлига ҳам келтирмаслиги керак. Чунки ушбу шаҳарда ўқ-ёй билан балиқ овлаш учун жиддий жазо, яъни қамоқ жазоси белгиланади.

АҚШнинг Гери шаҳрида эса, саримсоқ истеъмол қилган шахс орадан тўрт соат ўтмасдан туриб жамоат транспортларига чиқса, албатта, жарима тўлашга тўғри келади. Мохеведа эса, совун ўғирлаб қўлга тушган кимса бундан ҳам антиқа жазога тортилади. Яъни у ҳаммомда ўғирлаган совуни тугагунча ювиниши шарт. Калифорния штатида эса, сичқонга қопқон қўйиш учун, албатта, овчилар жамиятидан рухсатнома олиш талаб этилади. Бу қоида амалдаги қонунда қатъий белгилаб қўйилган. Бунга амал қилмаслик, табиийки, жазога сабаб бўлади.

Малайзия пойтахти — Куала-Лумпур шаҳри муниципал кенгаши томонидан эълон қилинган қонунга кўра, жамоат жойларида ножўя хатти-ҳаракатлар учун катта миқдорда жарима ундирилади. Шунингдек, ушбу мамлакатда кинофильмларда намойиш қилинган беҳаё кадрлар учун ҳам катта миқдорда жарима солинади. Бу қоида болалар учун мўлжалланган мультфильмларга ҳам таллуқлидир.

Соломоновлар ороли пойтахтида бундан ҳам антиқа тартиб жорий этилган. Гап шундаки, ушбу оролда шифокорлар хизмати картошка билан тақдирланади. Агар шифокор беморнинг уйига ташриф буюрса, бунинг эвазига у йирик картошка олади. Бу қоидага ҳафтада беш кун, фақат кундуз кунлари риоя этилади. Ишдан сўнг ва дам олиш кунлари шифокор беморни даволагани учун ўн дона картошка олишга ҳақли.

Эгей денгизи соҳилида жойлашган Ажон-Орос ярим ороли руҳонийлар мамлакати деб ҳам юритилади. Чунки бу ярим орол черковларга қарашли бўлиб, улар ўз соқчилари, судларига эга. Айтиш керакки, ушбу ярим оролга кўплаб сайёҳлар ташриф буюришади. Қизиғи, ярим оролга аёлларнинг қадам босиши қатъий тақиқланган.

Маълумки, Ҳиндистон кўплаб ажойиботлар учрайдиган юрт ҳисобланади. Масалан, бу мамлакатда одамлар юзга яқин йилномалардан фойдаланишади. Қизиқ томони шундаки, мамлакатнинг ҳар бир штатида вақтни ҳисоблашда алоҳида ҳисоб-китоб тартиби бор. Бу мамлакатда йилнинг бошланишидан тортиб, кунлар, ойларнинг номланиши ҳам турлича. Ягона йилномани яратишга эса, асрлар оша анъана бўлиб келаётган одатлар йўл бермайди.

Таиланд мамлакатида қадимдан қолган анъана, урф-одат ва тартиб-қоидалар бугунги кунда ҳам қўлланишини кўриш мумкин. Масалан, эр-хотин муросаси тўғри келмай ажрашишга қарор қилса, азалий қоидага кўра, улар гувоҳлар олдида бир хил катталикдаги иккита шамни ёқишади. Кимнинг қўлидаги шам олдин ёниб тугаса, у ҳеч қандай гап-сўзсиз, бирон буюмни ҳам олмай уйдан чиқиб кетиши шарт.

Американинг Аризона штатида ҳам антиқа қонун жорий этилган. Яъни ушбу штатдаги меҳмонхонада унутиб қолдирилган буюмлар бир йилу бир кун сақланади. Шу вақт ичида унинг эгаси келмаса, буюмлар меҳмонхона эгасининг шахсий мулкига айланади.

Дунёда фақат иккита мамлакатда ҳайвонларнинг думини қирқиш қатъиян ман этилади, яъни Швеция ва Швейцарияда шундай тартиб жорий этилган. Албатта, бу тартибга риоя этмаслик тегишли жавобгарликни келтириб чиқаради.

Агар Американинг Сент-Питерсбург шаҳри кун давомида булут билан қопланса, "Мустақил кечки янгиликлар" газетаси обуначиларга бепул етказиб берилади. Шуниси қизиқки, газета 100 йилдан буён чоп этилади ва бу анъана ҳалиҳануз амалда. Ўтган даврда ушбу газета атиги 320 марта ўқувчиларга текинга тарқатилган. Негаки, Сент-Питерсбург Американинг серқуёш худудларидан бири саналади.

Ҳиндистонда истиқомат қилувчи Баланс қабиласи аҳли дунёнинг ҳеч қаерида учрамайдиган антиқа одатга амал қилади. Гап шундаки, бир-бирига кўнгил қўйган икки ёш гувоҳлар кўз ўнгида тропик дарахтнинг каттагина баргини икки томондан тишлаб, еб тугатиши лозим. Шундан сўнг улар унаштирилган деб эълон қилинади ва тўй бошланади.

Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Шоюнус ГАЗИЕВ, Қўчқор ТОҒАЕВ, Русланбек ДАВЛЕТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Омонбой ОҚЮЛОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Икром МУСЛИМОВ, Ғайрат ҲИДОЯТОВ, Арислон УСМАНОВ, Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-1216. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 5968.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 21⁰⁰